

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ ГИЁХВАНДЛИК
ВА НАРКОЖИНОЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида гиёхвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегиянинг устувор мақсадларига эришиш, гиёхвандлик ва уюшган наркожиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар саломатлигини ҳамда миллат генофондини самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш мақсадида қарор қиламан:

1. Мақсадлар ва устувор вазифалар

1. Қуйидагилар ушбу Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

а) Ўзбекистон аҳолисининг саломатлиги ва миллат генофондига жиддий таҳдид солаётган **гиёхвандлик иллатига қарши курашиш** ҳамда бунга сабаб бўлаётган **уюшган наркожиноятчиликка чек қўйишга** қаратилган норматив-ҳуқуқий, тезкор-профилактик ва ташкилий-тарбиявий чоралар комплексини белгилаш;

б) **вояга етмаганлар ва ёшларимиз келажагини** гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалардан ҳар томонлама асраш — барча даражадаги давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларнинг **долзарб вазифаси** эканини алоҳида қайд этиш ҳамда уларнинг бу борадаги **масъулиятини тубдан ошириш**.

2. Қуйидагилар гиёхвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш фаолиятини амалга оширишга масъул давлат органлари ва ташкилотларининг **устувор вазифалари** этиб белгилансин:

а) таълим муассасаларида, ўқувчи ва талабалар орасида психофаол моддаларнинг тарқалишига **батамом чек қўйиш, ёшларда** гиёхвандлик иллатига **муросаси муносабатини шакллантириш** бўйича **таъсирчан чора-тадбирларни комплекс равишда** амалга ошириш;

б) гиёхвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар (кейинги ўринларда — гиёхвандлик воситалари) ноқонуний айланмасига **қағъий жиноий-ҳуқуқий механизмлар** орқали **барҳам бериш**, бу борадаги **жазо чораларини кескин кучайтириш** ҳамда **ёшларга нисбатан** содир этиладиган наркожиноятлар учун **жавобгарлиқни оғирлаштириш**;

в) гиёхвандлик воситаларини республика **чегарасидан олиб кириш** йўналишларини, **интернет тармоқлари** орқали тарқатиш ҳаракатларини, **ноқонуний нарколабораторияларни** ва наркожиноий **уюшмаларни**, шу жумладан, уларга **ҳомийлик (рахнамолик)** қилаётган мансабдор шахсларни аниқлаш, улар фаолиятига чек қўйиш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган **кенг қамровли тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини** йўлга қўйиш;

г) гиёхвандлик воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган **кимёвий моддалар (прекурсорлар)** айланмаси устидан **қатъий давлат назоратини ўрнатиш**, гиёхвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланувчи **тиббиёт муассасалари, фармацевтика** корхоналари ва **дорихоналарининг** фаолиятини назорат қилиш амалиётига **рақамли ечимларни жорий этиш**;

д) аҳоли, айниқса, **вояга етмаганлар ва ёшлар** орасида гиёхвандлик ҳамда заҳарвандликни **ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш** тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган манзилли чора-тадбирларни белгилаш.

II. Норматив-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш

3. Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2025 йил якунига** қадар бугунги кундаги амалиёт, замон талаблари ва илгор хорижий тақрибларни комплекс ўрганган ҳолда

гиёхвандлик воситалари айланмасини тартибга солиш механизмлари ҳамда наркожиноятларнинг олдини олиш ва фош этишда давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ масъулиятини белгилайдиган **“Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”**ги Қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

4. Бош прокуратура, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Божхона қўмитасининг қуйидаги **таклифлари маъқуллансин**:

а) уюшган наркожиноятчиликка жиноий-ҳуқуқий механизмлар орқали қарши курашиш фаолиятини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Жиноят кодексига **“Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондига қарши жиноятлар”** номли алоҳида янги бўлим киритиш;

б) наркожиноятларнинг янги шакллари, усуллари ва уюшганлик даражасидан келиб чиқиб, қуйидаги қилмишлар учун **йигирма йилгача** озолиқдан маҳрум қилиш жазосини белгилашни назарда tutувчи **жиноий жавобгарлиқни киритиш**:

i) **наркожиноий уюшма** ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, гиёхвандлик воситаларини **уюшган ғуруҳ** томонидан **трансчегаравий усулларда** ёки **интернет тармоғидан** фойдаланиб ўтказиш;

ii) гиёхвандлик воситаларини ноқонуний муомалага қилтиришга ҳоқимият (мансаб) ваколатларини сунистеъмол қилиш йўли билан **ҳомийлик (рахнамолик)** қилиш ёки **бундай жиноятлар фош бўлишининг олдини олиш мақсадида хабар бериш**;

iii) **гайриқонуний нарколаборатория** ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш;

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО
ТАШАББУСЛАРИ РЕАЛЛИК ВА АНИҚ
НАТИЖАЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА
ТАШРИФИ ВА “C5+1” САММИТДАГИ ИШТИРОКИ
ЯКУНЛАРИ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 4-6 ноябрь кунлари амалий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди. АҚШ Президенти Дональд Трамп ва бошқа раҳбарлар билан икки томонлама музокаралар ўтказди. Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “C5+1” форматидаги саммитида иштирок этди.



Олий даражадаги Ўзбекистон — АҚШ учрашувида етакчилар икки томонлама стратегик шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ишбилармонлик дастуридан сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий шериклик ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор учрашув ва тадбирлар ҳам ўрин олди.

Хорижий экспертларга кўра, Вашингтонда ўтган саммит яқунлари Марказий Осиёнинг глобал ва минтақавий масалаларни ҳал этишда ишончли, узоқ муддатли ҳамда масъулиятли шерик сифатида халқро майдондаги роли ортиб бораётганини кўрсатди. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг “C5+1” саммити доирасидаги ташаббуслари ва фаол позицияси Марказий Осиё минтақасини барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик маконига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Антонио АЛОНСО, Сан Пабло университети профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис (Испания): — Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифи нафақат Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, балки Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик тизимини ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Унда Тошкентнинг ўзаро англашув, очиқликни мустаҳкамлаш, глобал ва минтақавий муаммоларга биргаликда ечим топишга қаратилган фаол ва изчил ташқи сиёсати акс этган.

Давоми 2-бетда

Нуқтаи назар

ТАЪЛИМ ВА
ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ

МАМЛАКАТ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАЙДИ

Таълим-тарбия масаласи азалдан ижтимоий-сиёсий, маданий аҳамият касб этиб келади ва ҳануз мамлакатлар тараққиёти кун тартибиде туради. Чунки етишиб келаётган ёш авлод жамият янгиланишида, соҳалар ривожиде таянч, асосий кучдир. Шу боис, бугун мамлакатимизда таълим-тарбия масаласига узлуксиз ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда.

Ренессанс — бунёдкорлик, ўқиш ва изланиш демак

“Ренессанс” иборасининг мазмун-моҳияти жуда кенг. Хусусан, олимлар мазкур жараёнга илм-фан, маданият, санъат, иқтисодиёт, таълим-тарбияда, умуман, жамиятда узоқ вақт сақланиб қолган турғунликдан сўнг юзага келган жонланиш деяр таъриф беради. Албатта, уйғониш, юксалиш қисқа вақтда намоён бўлмайди. Бунинг учун муайян вақт, давр талаб этилади. Шу жиҳатдан бугун Янги Ўзбекистон ғоясида ҳам, Учинчи Ренессанс пойдеворини

яратишдек эзгу мақсадлар замирида ҳам бунёдкорлик, мунтазам ўқиш ва изланишга даъват бор.

Президентимиз жорий йил 14 февраль кунини фаол ёшлар билан мулоқотида Учинчи Ренессанс пойдеворини бугунги янги Ўзбекистон ёшлари барпо этишини айтган эди. Албатта, бундай авлод шаклланиши биргина вақт билан боғлиқ эмас. Шу боис, ўғил-қизларнинг маънавиятини юксалтириш ҳамда сифатли таълим олишга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу йўлда самарали лойиҳа ва ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Давоми 5-бетда

Кино олами

Миллий ўзлик,
ТАРИХНИ УЙҒОТУВЧИ КУЧ

6

БУГУНГИ ДАВР МАЪНАВИЙ МАНИФЕСТИ

Самарқанд руҳи



Самарқанд — фақат географик жой эмас, тарих ва маънавият маскани. 2025 йил 30 октябрда ана шу қадимий ва навқирон шаҳарда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг очилишида Президентимиз сўзлаган нутқ ўз мазмун-моҳияти билан дунё ҳамжамияти эътиборини тортди.

Бу нутқни шунчаки дипломатик чиқиш сифатида баҳолаш мумкин эмас. Унда ХХI асрда яшаётган башарият вакиллари учун зарур маънавий концепция — маданият орқали тинчлик ва маърифат йўли билан барқарорликка эришиш ғояси илгари сурилди. Лўнда қилиб айтганда, Ўзбекистон Президентининг сўзларида халқлар ва маданиятлар



ўртасидаги ишонч, бағрикенглик ва мулоқотни қайта тиклашга даъват янгради.

Асосий ғоялар қаторида маданиятнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликдан устун туриши, инсон қадрининг давлат сиёсатининг бош тамойилига айлангани ва маърифатнинг глобал хавфсизликда ҳал қилувчи омил экани борасидаги фикрлар алоҳида диққатга сазовор.

Давлатимиз раҳбари ушбу нутқни орқали нафақат ўз сиёсий позициясини, балки инсоният олдидаги маънавий масъулиятини ҳам ифода этди. Унда илгари сурилган асосий

фикр бундай: давлат сиёсатидан маънавият узилса, жамият руҳиятида бўшлиқ пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги Ўзбекистонда “Инсон қадри — энг олий қадрият” деган ғоя шунчаки широр эмас, балки янги давлатчилик фалсафасининг моҳиятига айланган. Ушбу фалсафа тарихий мерос, замонавий сиёсат ва инсоний қадриятларни уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, дунёдаги барча можаро ва зиддиятлар замирида маърифат танқислиги ётади.

Қурул нафратни кучайтиради, маърифат эса уни бартараф этади. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати “маърифат дипломатияси” моделига айланмоқда. Бу ёндашув ЮНЕСКОнинг таълим, фан ва маданият орқали тинчлик қуриш концепцияси билан ҳам жуда-жуда ҳамоҳанг.

Агар ХХ аср техника тараққиёт асри дейилса, ХХI аср маънавий тараққиёт асри бўлиши керак. Президентимиз нутқда айнан шу тамойил ўзининг қатъий ифодасини топди.

Давоми 3-бетда

ДУНЁ ҚУТБЛАРИНИ БОҒЛОВЧИ ОЛТИН ХАЛҚА

Орзу эмас, мақсад сари
илдам қадам

Мамлакатимизда бўлиб ўтган йирик илмий анжуманлардан бирида туркиялик тарихчи олим, профессор Мустафо Демиржи дунёда Ўзбекистон каби бой тарихий ёдгорликлар, моддий-маданий, ижод ва илмий меросга эга бошқа бирор юрт йўқлигини айтганди. Бунинг сабаби эса қадимий шаҳарларимиз Шарқ ва Ғарбни боғлаган энг йирик тижорат қарвон йўли — Буюк ипак йўли марказида жойлашгани эканини қайд этганди.

Ростдан ҳам, IX-XVI асрларда Ўзбекистон ҳудуди дунёнинг савдо, тижорат, илм-фан, маданият ва санъат маркази сифатида оламга машҳур бўлган. Қарвон йўлида

жойлашган қадим кентларимизда йирик бозорлар, сарой ва қалъалар қад ростлаши, илм-фан ривожини ҳисобига буюк алломалар етишиб чиқиши, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиргани тарихий асосга эга ҳақиқатдир.

Шу боис, кейинги йилларда давлатимиз тараққиёти, олис тарихдаги мавқеини қайтариш мақсадида ташқи ва ички сиёсатда йўл инфратузилмасини яхшилаш, логистика ва транзит ислохотларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон янги аэропорт, темир йўл ва вокзаллар, пулли автомобиль йўлларини барпо этишни жадаллаштирмоқда. Яқинда Президентимиз шундай йирик лойиҳалардан бири — Тошкент вилоятида янги халқаро аэропорт қурилишига старт берди.

Давоми 4-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ ГИЁҲВАНДЛИК ВА НАРКОЖИНОЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

в) гиёҳвандлик воситаларини жамоат жойларида истеъмол қилганлик учун ўн беш суткагача маъмурий қamoқ жазосини қўллашни назарда тутувчи маъмурий жавобгарликини киритиш;

г) наркожиноятлар содир этилиши ва қайта содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўйидаги қилимлар учун жиноий жавобгарлик чораларини икки бараваргача оғирлаштириш:

1) гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп миқдорда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек, уларни ноқонуний равишда кўп миқдорда ҳар қандай усулда ўтказиш;

2) кучли таъсир қилувчи моддаларни таълим ташкилотларида, озоқликдан маҳрум қилиш жойларида, интернет тармоғидан фойдаланиб, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист томонидан муомалаларга киритиш, шунингдек, уларни кўп миқдорда контрабанда қилиш;

3) алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласини (ўтказиш мақсадисиз) кўп миқдорда ва такроран содир этиш;

4) гиёҳвандлик воситаларини ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганда;

д) вояга етмаганларни ва ёшларни наркожиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида:

1) ҳар қандай наркожиноятни вояга етмаган шахсларга нисбатан ёки уларни жалб қилган ҳолда содир этишни жиноий жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолати сифатида қайд этиш;

2) вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб қилганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгилаш;

3) таълим ташкилотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида

ёки таълим ташкилотларида туташ ҳудудларда кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини икки бараваргача оғирлаштириш;

4) вояга етмаган шахсларни кучли таъсир қилувчи моддаларни айнан таълим ташкилотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида ёки уларга туташ ҳудудларда истеъмол қилишга жалб қилганлик учун ўн йилгача озоқликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи жиноий жавобгарлигини киритиш;

ж) айрим наркожиноятларни содир этган шахсларни жазони ўташдан муқаддатдан илгари шартли озоқ қилмаслик тартибини жорий этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича комиссия маҳкумларнинг афв этишга оид муқожаатларини ўрганишда аҳоли генофондига қарши содир этилган ҳар қандай жиноят давлат, жамият ва шахс учун жиддий хавф эканига ҳамда ўта оғир оқибатларга олиб қилишига алоҳида эътибор қаратсин.

III. Комплекс чора-тадбирларни белгилаш ва уларнинг ижросини таъминлаш

6. Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури (кейинги ўринларда — Миллий дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Масъул вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ўз соҳавий йўналиши ва ҳудуди кесимида Миллий дастур ижросини манзилли ташкил этиш бўйича ҳар чораклик “йўл хариталари”ни ишлаб чиқишни таъминласин.

8. Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда Миллий дастур ижросини тизимли равишда назорат қилиб бориш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузурида фаолият кўрсатувчи Республика идоралараро мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ) 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

9. Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ (С.Гордеев, Б.Ташматов):

а) Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) қoшида масъул вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ штаби таркибини шакллантирсин ҳамда 2025-2026 йилларда мазкур Фармон билан белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишларнинг натижадорлигини, шу жумладан, жойларга чиққан ҳолда тизимли ўрганиш ва мониторинг қилиб боришни ташкил қилсин;

б) Миллий дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини доимий равишда ва қатъий назорат қилиб бoрсин.

10. Миллий дастур, соҳавий ва ҳудудий “йўл хариталари”да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда аниқ натижаларга эришиш юзасидан масъулият давлат органлари, идоралари ва маҳаллий ҳокимликларнинг шахсан биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилсин ва мазкур йўналишдаги фаолият самарадорлиги таъминланмаган тақдирда, уларга нисбатан қатъий чоралар қўрилиши тўғрисида оғoҳлантирилсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) масъул давлат органлари, идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар ҳар ой якунида мазкур Фармонда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш борасида қилинган аниқ ишлар ҳамда Миллий дастурнинг ижроси юзасидан ҳисоботларни Агентликка киритиб боради;

б) Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ;

г) ҳар ойда масъул давлат органлари,

идоралари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг мазкур Фармонда белгиланган устувор вазифаларнинг соҳалар ва ҳудудлар кесимида ижроси юзасидан ҳисоботларини эшитади, натижадорлиги бўйича танқидий муҳокамалар ўтказди ҳамда ушбу масалаларга масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга нисбатан лавозимдан озоқ этишга бўлган таъсир чораларини қўриб боради;

2) ҳар чоракда республикада гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш борасида мазкур Фармонга асосан қўрилган манзилли чоралар ва эришилган аниқ натижалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб боради.

IV. Наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ва аниқлаш механизмлари

12. Саноат ва тиббиётда фойдаланиладиган кимёвий моддаларнинг синтетик наркотиклар, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларни ноқонуний тайёрлаш жараёнига қириб бoришининг олдини олиш мақсадида:

а) Ўзбекистонда муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхатини ҳалқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда кенгайтириш чоралари қўрилсин ҳамда уни соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан янгиллаб бoриш (тўлдириш) механизмлари жорий этилсин;

б) прекурсорларнинг қонуний муомаласини тартибга солиш ҳамда улар ишлаб чиқарилишидан (хориждан келтирилишидан) бошлаб реализация қилинишигача (транзит ўтиши, маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш, сотиш, сақлаш, бeриш ва бошқа) бўлган барча жараёнларни электрон назорат қилиш тизимини йўлга қўйишни назарда тутувчи қатъий давлат назорати ўрнатилсин;

в) Агентликка Ўзбекистонда прекурсорлар муомаласи устидан тизимли назоратни

амалга ошириш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмаси юзасидан ваколатли ҳуқуқ-тартибот органларига терговга қадар текширувни ўтказиш юзасидан тақдимнома киритиш ҳуқуқи берилсин;

г) Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти ва Божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бошқармаси тузилмаларида, мавжуд штатлар доирасида, прекурсорларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўлимлари фаолияти йўлга қўйилсин.

13. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

а) прекурсорларнинг қонуний муомаласини тартибга солишга ва бу борада унинг барча босқичларида қатъий давлат назорати механизмларини белгилашга, шунингдек, прекурсорларнинг ноқонуний муомаласи ҳамда улардан фойдаланиш тартибини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликини киритишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгилашдан тартибда киритсин;

б) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган ёки аниқлашга қўмаклашган фуқароларни муносиб рағбатлантириш тартибини жорий этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этиш Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов), Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2026 йил 1 июлга қадар Интернет тармоғидаги нарқодўкнларни ҳамда гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш

ҳолатларини сунъий интеллект технологиялари ёрдамида аниқлаш ва блоклашга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш бўйича ёшлар ўртасида ҳақотон ўтказсин ҳамда энг мақбул таклифларни таллаб олиб, амалиётга жорий қилиш чораларини кўрсин.

15. Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов):

а) 2025 йил якунига қадар ички ишлар органларининг барча профилактика инспекторларини хизмат олиб бoраётган маҳаллалар ҳудудида ғайриқонуний нарколабораториялар ва кучли таъсир қилувчи дори воситаларини қўлбoла усулда қадоқловчи цехларни аниқлаш бўйича ўқитишни ташкил қилсин ҳамда уларнинг бу борадаги самарали фаолиятини бoджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан муносиб рағбатлантириш ёки бошқа идоралар (соҳавий бўлинмалар) томонидан маҳаллада аниқланган тақдирда интизомий жазо чораларини қўллаш амалиётини йўлга қўйсин;

б) Мудофаа саноати агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 мартга қадар ички ишлар органлари учун тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари намуналарини экспресс текшириш бўйича энг замонавий техник воситаларни харид қилиш ва амалиётга жорий этиш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш.Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 3 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ РЕАЛЛИК ВА АНИҚ НАТИЖАЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ ВА “С5+1” САММИТДАГИ ИШТИРОКИ ЯКУНЛАРИ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон ва АҚШ ташаббуси билан ташкил этилган “С5+1” формати минтақа мамлакатларини умумий мақсадлар — барқарор ривожланиш, иқтисодий ўсish, хавфсизлик ва экологияни мустаҳкамлаш йўлида бирлаштирувчи самарали мулоқот воситасига айланди. Йилдан йилга ушбу формат тобора институционал етуқликни намойиш этмоқда.

“С5+1” доирасида Ўзбекистоннинг фаол роли алоҳида эътирофга лойиқ. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу формат тизимли тус олди: виртуал котибиат ташкил этилди, савдо, инвестициялар, инновациялар ва таълимни ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Тошкент томонидан нафақат гоъялар, балки уларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари ҳам тақлиф этилмоқда.

“С5+1” саммити ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифи конструктив шериклининг янги босқичи рамизидир. Уларнинг натижалари мулоқотнинг сиёсий каналларини мустаҳкамлаш, инвестициявий ва технологик ҳамкорлиқни кенгайтириш, гуманитар алоқаларни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Буларнинг барчаси дунёга очилик, ўзаро ишонччи мустаҳкамлаш ва умумий манфаатларни илгари суришга қаратилган “Янги Ўзбекистон” стратегик йўналишига тўлиқ мос келади.

Ҳикмет ЭРЕН, “EkoAvrasya” Евросиё иқтисодий алоқалар жамғармаси раҳбари (Туркия):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифини кузатиб, Тошкент жаҳон сиёсатида ўз макенини нечоғлиқ изчиллик ва ишонч билан мустаҳкамлаб бoраётганига яна бир бор амин бўлдим. Ушбу ташриф ва “С5+1” форматидagi

қувватлагани мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга бўлган ишонч ва эътирофнинг ёрқин намунасидир.

Иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Америка компанияларининг инвестиция форумларидаги фаол иштироки, “B5+1” бизнес-платформасининг кенгайтириш, қўшма лойиҳалар сонининг ортиши — буларнинг барчаси Ўзбекистон Америка бизнеси учун ишонччи ва жозибадор ҳамкорга айланиб бoраётганини тасдиқлайди. Глобал беқарорлик шароитида Ўзбекистон ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун реал имкониятларни тақлиф этиб, вазмин ва олдиндан айтиш мумкин бўлган ёндашуви намойиш этмоқда.

“С5+1” саммити ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифи конструктив шериклининг янги босқичи рамизидир. Уларнинг натижалари мулоқотнинг сиёсий каналларини мустаҳкамлаш, инвестициявий ва технологик ҳамкорлиқни кенгайтириш, гуманитар алоқаларни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Буларнинг барчаси дунёга очилик, ўзаро ишонччи мустаҳкамлаш ва умумий манфаатларни илгари суришга қаратилган “Янги Ўзбекистон” стратегик йўналишига тўлиқ мос келади.

Дональд Трампнинг Ўзбекистон етакчилиги нисбатан яқинда билдирган фикрлари алоҳида эътиборни тортиди. У “Twitter”даги саҳифасида “Shavkat Mirziyoyev is a man of his word” (“Шавкат Мирзиёев — бир сўзли инсон”) деб ёзди. Бу сўзлар тезда жаҳон оммавий ахборот воситаларида тарқалди ва нафақат Ўзбекистон Президенти шахсиятини эътироф этиш, балки у амалга ошираётган ислохотларга ишонч рамизига айланди. Бу Ўзбекистоннинг Ғарб учун ишонччи ҳамкорга айланиб бoраётганининг тасдиғи бўлди.

Сиёсий нуқтаи назардан, Вашингтонга ташрифи “С5+1” формати тобора мазмунли бўлиб бoраётганини кўрсатди. Учрашуларда хавфсизлик, инвестициялар, энергетик ўтиш ва технологик шериклик масалалари муҳокама қилинди. Фиримча, Ўзбекистон позициясининг кучли томони — реализм ва аниқ натижаларга йўналтирилганлигидир.

Бугунги кунда глобал жараёнларда Марказий Осиёнинг ўрни тобора ортбo бoраётгани аниқ. Беқарорлик шароитида айнан шу минтақа бирдамлик ва прагматизм қобилиятини намoён этмоқда. Оқ уйнинг минтақага қизиқиш кучайиб бoраётгани бежиз эмас: бу ерда янги мувозанат ва динамика шаклланимоқда, буни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари рақобатлашмайдиган, балки бир-бирини кучайтирадиган ягона иқтисодий макон ғoйсини илгари сурмоқда. Унинг очиликчи ва ишонччи асосланган ёндашуви минтақавий сиёсатта янги нафас бағишлайди. Бугун минтақада рақобат эмас, ҳамкорлик кайфияти сезилмоқда ва бу кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг хизматиدير.



Карим ҚОСИМ, Стратегик ва халқаро тадқиқотлар институти етакчи эксперти (Малайзия):

— Минтақа етакчилирининг Оқ уйдаги қабули, Президент Дональд Трамп билан икки томонлама учрашувлар — Вашингтон Марказий Осиёнинг минтақавий ва халқаро нуфузи ортбo бoраётганини эътироф этаётганидан далолат бeради.

Концептуал жиҳатдан эса ушбу саммит Марказий Осиё ва АҚШ ўртасида тўғридан тўғри, халқаро алоқаларни ўрнатишга замин яратди.

Аслини олганда, ташрифи сезиларли натижалар берди. АҚШ Президенти Ўзбекистон билан савдо ва сармоявий битимларнинг катта тўпламини эълон қилди. Кейинги уч йил ичида харидлар ва инвестициялар шаклида қарийб 35 миллиард АҚШ доллари ва кейинги ўн йилда истиқболли лойиҳалар шаклида 100 миллиард АҚШ долларидаан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси қиймати 8 миллиард доллاردан 8,5 миллиард доллarga бўлган 22 та “Boeing 787-9” самолётга буюртма бeриши АҚШда ўн минглаб иш ўринларини яратиш имконини бeради. Бу эса икки томонлама ҳамкорлик ва шериклик алоқалари аҳамиятини янада оширади.

Ташриф билан боғлиқ турли ишбилармонлик дастури доирасидаги учрашувлар ҳам аҳамиятга молик. Хусусан, АҚШ Халқаро тараққуётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) раҳбарияти билан музокараларда Тошкентда DFC офисини очиш ва қўшма инвестиция платформасини ишга тушириш истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, АҚШ Экимбанк билан энергетика, муҳим

фойдали қазилмалар, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва АКТ соҳаларида ҳамда Ўзбекистон миллий авиация паркни модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан музокаралар олиб бoрилди.

Ташрифнинг стратегик аҳамияти кўп томонлама халқаро ҳамкорлиқни фаол амалга оширишдан иборат. Саммитда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар Тошкентнинг фаол дипломатиясини намойиш этади. Ушбу қадамлар Ўзбекистоннинг ўсиб бoраётган халқаро фаоллигини акс эттиради.

Ҳарлей СЕЙЕДЕН, “The American Chamber of Commerce in South China” савдо палатаси президенти (Ханой):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташрифи Ўзбекистоннинг АҚШ билан муносабатларини мустаҳкамлаш, икки томонлама ва минтақавий шериклиқни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасидаги изчил ва стратегик ёндашувини намойиш этади.

Ўзбекистон етакчиси томонидан “С5+1” саммити доирасида илгари сурилган ташаббуслар муҳим амалий характерга эга, ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган. Бу ташаббуслар узoқ муқддатли истиқболдан дерак бeради.



Ҳамкорлиқнинг аниқ, кўп сармоя талаб қиладиган ва технологик соҳаларига урғу бeриладиган эътиборга лойиқ. Янги авлод энергетика тизимини яратиш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва муҳим минералларни чуқур қайта ишлашни ривожлантириш ташаббуслари Ўзбекистоннинг мавжуд инвестициялар билан чекланиб қолмасдан, глобал қиймат занжирини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.

“Boeing”, “Google”, “Meta”, “John Deere”, “Cargill”, “Honeywell” каби етакчи компанияларнинг иштироки Ўзбекистон инвестиция муҳитига кучли ишонч белгисидир. Имзоланган битимлар хомашё экспорти билан чекланиб қолмасдан, ҳамкорлиқни диверсификация қиладиган лойиҳаларнинг кенг қамровли портфелини шакллантиради.

Умуман олганда, ташриф натижалари Ўзбекистонни АҚШнинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкорларидан бири ва

“С5+1” форматидagi минтақавий ҳамкорлиқнинг фаол драйвери сифатида намoён этади. Тақлиф этилаётган ташаббуслар ва имзоланган битимлар Ўзбекистон иқтисодийтини модернизация қилиш, унинг транзит салоҳиятини мустаҳкамлаш ва технологик жиҳатдан жадаллаштиришга хизмат қилади.

Андрей ХРИЕНКО, “Вектор” халқаро стратегик тадқиқотлар институти директори (Россия):



— 2015 йил ноябрь ойида Самарқандда иш бошлаган “С5+1” кўп томонлама ҳамкорлик платформаси 10 йилдан бoён самарали фаолият юритиб кeлмоқда. Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ етакчилирининг Вашингтондаги бу галги саммитида ҳам жаҳон ҳамжамиятини қизқитирган кўплаб ташаббуслар илгари сурилди.

“С5+1” форматидagi турли учрашувлар, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг АҚШ Президенти, Конгресс Сенати ва Вакиллар палатаси аъзолари, ҳукумат ва бизнес етакчилари билан тўғридан тўғри мулоқотлари Марказий Осиё минтақасининг геостратегик салоҳияти юксалиб бoраётганидан далолат бeради.

Саммитда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган ташаббуслар Ўзбекистонда ҳам иқтисодийёт соҳаси, ҳам давлат менежменти чуқур модернизация қилинаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда “Янги Ўзбекистон” концепциясини ҳаётга татбиқ этишнинг долзарблиги ва ўз вақтида амалга оширилиши натижалар билан тасдиқланган ҳақиқатдир.

Шунингдек, Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган ташаббуслар ва имзоланган битимлар мамлакат иқтисодийетини ривожлантириш, транзит салоҳиятини мустаҳкамлаш ва технологик жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтadиган бўлсак, “С5+1” форматидagi саммитда Ўзбекистон йирик лойиҳаларни амалга ошира оладиган, халқаро кун тартибидagi масалаларни муҳокама ва ҳал қилишга қодир мамлакат эканини яна бир бор исботлади.



БУГУНГИ ДАВР МАЪНАВИЙ МАНИФЕСТИ

Иргаш ДАМИНОВ,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси проректори,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон сўнгги йилларда ЮНЕСКО билан ҳамкорлики мутлақо янги даражага олиб чиқди. Кейинги 40 йилда ташкилотнинг Бош конференцияси илк бор ўз қароргоҳидан ташқарида — Самарқандда ўтказилди. Шунинг ўзича дунё ҳамжамиятига қуйидагича рамзий хабар беради: тамаддулар чорраҳаси бўлган Ўзбекистон энди маданиятларнинг мулоқот марказига ҳам айланмоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида уйғунлик кўприги, барча учун очик ва конструктив ҳамкорлик майдони бўлишга ҳамиша тайёр” деган сўзлари янги ташқи сиёсий стратегия маънавий манифестининг ифодаси бўлди. Бу фикр нафақат геосиёсий позиция, балки маданият орқали тинчлик қуриш ғоясининг амалий ифодаси сифатида ҳам жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотганига шубҳа йўқ.

Айни вақтда ЮНЕСКО билан ҳамкорликдаги беш йиллик дастур доирасида таълим, фан, маданият ва ахборот соҳаларида қирқдан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда. Аммо бу рақамлардан ҳам муҳимроғи, ҳамкорлик моҳиятидир. У фақат институционал эмас, балки фалсафий ва маънавий ҳам-жиҳатликка ҳам асосланган.

Мамлакатимиз ЮНЕСКО билан муносабатда энди “таълимни ривожлантирувчи иштирокчи” эмас, балки “инсон онгини янгилашга даъват этувчи маънавий шерик” сифатида майдонга чиқмоқда. Бу эса янги босқич, янги миссиядир. Янги Ўзбекистон жаҳонга ўзини мана шу миссиянинг ижодкори, ташаббускори сифатида тақдим қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида таълим масаласи алоҳида стратегик йўналиш сифатида эътироф этилди. Унда таълим фақат

билим бериш тизими эмас, балки инсон онги, руҳияти ва маънавий иммунитетини шакллантирувчи жараён сифатида талқин қилинди. “Инклюзив таълим платформаси”, “Жаҳон профессионал таълим саммити” ва “Сунъий интеллект — мактаб” лойиҳалари ҳақидаги тақлифлар соҳадаги янги босқичнинг рамзларидир. Бугунга келиб, Ўзбекистон улар орқали таълим тизимини жаҳон стандартларига мос, миллий қадриятларга таянган ҳолда янгиламоқда.

Мамлакатимиз етакчиси фикрларининг фалсафий моҳияти шундаки, инсон онгидаги ўзгариш — жамиятдаги энг катта эврилишидир. Чунки технологиялар ривожланиши инсонни эмас, инсон маънавиятини ўзгартриши лозим. Акс ҳолда, бу шаклий ўзгариш бўлиб, мазмун, руҳият дахлсиз қолар эди. Шу нуқтани назардан, таълим фақат иқтисодий ривожланиш воситаси эмас, балки маънавий тараққиёт пойдевори ҳамдир.

Ўтмишни ҳимоя қилиш учун уни музейда сақлаш эмас, балки ҳозирги ҳаётнинг маънавий қисмига айлантириш лозим. Президентимизнинг бу борада айтган сўзларидан шундай хулоса чиқади: агар бир халқ ўз илдини англамаса, келажакки мавҳум бўлади. Шу сабаб, тарихий меросни ҳимоя қилиш бу давлат сиёсати эмас, балки чин инсоний бурдидир.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан бирга қилаётган ишлари ҳам шундай маънавий масъулиятни ифода этади. Хива, Бухоро, Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларининг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиши, Зарафшон — Қорақум йўлагидagi қадимий цивилизация изларини қайта тиклаш, Ғарбий Тяньшань тоғлари ва Турон чўллариининг табиий мерос сифатида ҳимоя қилиниши сингари хайрли амаллар қадимий тамаддулни ўрганиш ва табиий эволюцияни ҳимоялашга хизмат қиладиган эзуликнинг амалий кўринишидир.



Бу жараёнда Ўзбекистоннинг мақсади фақат ўз меросини кўз-кўз қилиш эмас, балки умуминсоний хотири ҳам мустаҳкамлашдир. Шу сабаб давлатимиз раҳбари 19 ноябрни “Хужжатли мерос халқаро кунини” деб эълон қилиш ташаббусини илгари сурди. Бу тақлиф тарихни қоғозда эмас, онгда сақлаш кераклиги ҳақидаги умуминсоний фикрни ҳам қўллаб-қувватлайди.

ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастури айнан шу тамойилга асосланади. Давлатимиз раҳбарининг бу ташаббуси бугунги дунёда тарихий манбаларни рақамлаштириш ва келажак авлод учун ҳужжатли меросни сақлаш ҳаракати билан ҳам уйғун. Шу маънода айтиш мумкинки, Ўзбекистон маданий мерос

“ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастури айнан шу тамойилга асосланади. Давлатимиз раҳбарининг бу ташаббуси бугунги дунёда тарихий манбаларни рақамлаштириш ва келажак авлод учун ҳужжатли меросни сақлаш ҳаракати билан ҳам уйғун. Шу маънода айтиш мумкинки, Ўзбекистон маданий мерос соҳасида тарихни сиёсатга эмас, маънавиятга хизмат қилдириш моделини яратмоқда.

соҳасида тарихни сиёсатга эмас, маънавиятга хизмат қилдириш моделини яратмоқда.

Бундан ташқари, тенглик ва гендер адолат масаласи ҳам Президентимиз нутқида илмий таҳлил даражасида ёритилди. Жаҳонда илмий муассасалар раҳбарларининг атиги 25 фоизи хотин-қизлар экани инсоният онгининг ҳануз бир томонламаллигини англатади. Шу боис, давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО доирасида “Хотин-қизлар етакчилиги бўйича глобал академия” ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Бу лойиҳа аёлларнинг фаоллигини ҳам ижтимоий жиҳатдан, ҳам интеллектуал ва



жамиятини ёш авлод онгини муҳофаза қилиш масаласига жиддий эътибор қаратишга чақирди. Ҳақиқатан, ёшлар онги, дунёқараш илмий, маънавий жиҳатдан тўғри шакллантирилиш экан, жамиятлар тараққий этади, дунё тинч бўлади.

Мамлакатимиздаги деярли барча олий таълим муассасасида “Медиясаводхонлик” фани жорий этилган. Негаки ахборот эркинлиги — муҳим қадрият. Аммо эркинлик масъулиятсизликка айланса, маърифатга қарши қурол вазифасини бажаради. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг позицияси аниқ: ахборот маконида маърифат устувор бўлиши керак, чунки ҳақиқатни фақат билим асрайди.

Президентимизнинг “Ислоҳ маданияти ва маърифатининг дунёга тараннум этиш орқали радикализм ва исломофобияга қарши самарали курашиш мумкин. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган ноёб лойиҳалар — Ислоҳ цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳауддин Нақшбанд тадқиқот марказлари салоҳиятидан бир-галикда фойдаланишга қақирамиз”, деган сўзлари, эҳтимол, бутун сессиянинг кульминацион нуқтасига айланган бўлса, не ажаб!

Бу сўзлар замирида нафақат диний, балки ўта теран фалсафий концепция бор. Чундан ҳам ўзвонлиқни куч эмас, маърифат енгиди. Ушбу ҳикматнинг буюк алломулар ватани бўлган Ўзбекистон етакчиси тилида янграгани унинг таъсирини янада оширди. Чунки бу юртнинг ҳар бир алломаси азалдан маърифатни байроқ билган, илмнига қатъий амал қилган.

Дунёда исломни нотўғри талқин қиладиган оқимлар фондида Ўзбекистоннинг бу позицияси жуда муҳим. Президентимиз муқаддас динимизни жаҳонга маърифат ва инсонийлик манбаи сифатида кўрсатмоқда. Қолаверса, ҳозирга қадар у бу позицияни

илмий асосда ишлаб чиқилган миллий моделга ҳам айлантира олди.

Ўзбекистонда Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Баҳауддин Нақшбанд каби улуг зотларнинг илмий ва маънавий мероси қайта тадқиқ этилаётгани шундан далолат. Бу фақат диний тадқиқот бўлибгина қолмай, ақл ва қалб уйғунлигига асосланган маърифий йўл ҳамдир. Бу йўл исломни фақат ибодат тизими эмас, балки илм, фан, эстетика ва инсонпарварлик цивилизацияси сифатида талқин этади.

Мамлакатимиз етакчисининг сўзлари бугун дунёда янгича ислом дипломатияси учун замин яратмоқда. Президентимиз фикри замирида бундай хулоса бор: агар жамият қалбига ислом маърифати сингдрилмаса, уни жаҳолатдан қонунлар ҳимоя қила олмайди. Шунинг учун маънавиятсиз ислоҳот амалсиз сўздан фарқ қилмайди. Ислоҳ маърифати эса инсон қадрига йўлдор.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқандда ўтказилиши тасодиф эмас. Бу воқеа замирида янги дипломатик фалсафа ётади. Агар классик дипломатия сиёсий ёндашувларга асосланса, Самарқанд ҳодисаси маънавиятга таянган мулоқот маданиятини илгари сурди.

Президентимиз бунини сўз билан эмас, тайёргарлик муҳити билан ярага олди. Конференция нафақат расмий анжуман, балки инсоният онгини янгилашга қаратилган маънавий муҳитга айланиб кетгани шундан далолат. Дунёда куч, иқтисодиёт, технология учун кураш кетётган бир вақтда Самарқандда янграган фикрлар тинчлик ва ҳамжиҳатлик сари қақирув бўлди.

Бу воқеани, шарқона таъбир билан айтганда, “Самарқанд ҳодисаси”ни рақобат ўрнига ҳамжиҳатлик, босим ўрнига мулоқот, тарғибот ўрнига маърифат фалсафаси дейиш мумкин. Самарқанд минбаридан янграган фикрлар жаҳон жамоатчилигига янги дипломатик тил тақлиф қилди. У тилда ғазаб ўрнида сабр, нафрат ўрнида мухаббат, куч ўрнида фикр, таҳдид ўрнида мурооса бор. Шу маънода, бу сессия нафақат сиёсий анжуман сифатида тарихда қолади, балки инсоният ҳаётида янги маънавий босқични бошлаб беришига ишончимиз комил.

“Самарқанд ҳодисаси”нинг фалсафий рамизи ҳам шу аслида: маърифат орқали тинчликни таъминлаш. Бу ғоя орқали мамлакатимиз халқаро муносабатларда “маданий таъсир” усулини илгари сурмоқда. Бу йўлда Ўзбекистоннинг тарихий қиёфаси ҳам, бугунги ислоҳотлари моҳияти ҳам уйғун. Ажабмаски, Имом Мотуридий ақидаси, Бухорий ҳақиқати, Нақшбанд тариқати ва Навоийнинг сўз қудрати бугунги дипломатиянинг тилига айланди.

Президентимизнинг Самарқанддаги нутқи сиёсий баёнот эмас, маънавий дастурдир. Бу дастурда жаҳон ақлига қартилган асосий даъват шу: “Тинчликни қурол эмас, маърифат таъминлайди!” Бу фикр замирида инсон ва давлат ўртасидаги янги муносабат модели ётади: инсон — объект эмас, марказ. Маданият — безак эмас, сиёсатнинг маънавий пойдевори.

Шу нуқтани назардан, бу нутқни XXI аср сиёсий фалсафасининг дастури сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Унда сиёсат ва маънавият, тарих ва келажак, инсон ва цивилизация ўртасидаги боғлиқлик янги маънода таҳлил қилинган ва очиб берилган.

Ушбу тарихий нутқда Президентимиз илгари сурган туркум ғоялар шундан иборат: маданият — тинчликнинг тили, маърифат — унинг мазмуни, инсон — унинг маркази. Бу учлик қайси томондан ўқилса ҳам, янги Ўзбекистон раҳбари томонидан доимий тарзда илгари суралаётган эзгу ташаббусларнинг бош мазмуни — “ҳазрати инсон” деган маъно келиб чиқади.

Шу нуқтани назардан, ер юзининг сайқали — Самарқандда янграган сўзлар фақат бир анжуманнинг эмас, балки бутун бир даврнинг маънавий манифестидир.

Анжуман

Ўзбекистон касабаяушмалари федерациясида “11 ноябрь — Ўзбекистон касабаяушмалари кунини: янги Ўзбекистоннинг янги касабаяушмалари фаолиятига назар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Федерация, тармоқ касабаяушмалари Республика Кенгаши масъуллари, ОАВ вакиллари иштирок этган конференцияда сўнгги 8-9 йилда Президентимиз ташаббуси билан барча соҳа ва тармоқларда инсон қадрини улуғлаш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар сабаб юксак натижаларга эришилгани ҳамда янгиланишлар жараёнида Ўзбекистон касабаяушмалари ҳам фаол иштирок этаётгани эътироф этилди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий юксалиш жараёнида касабаяушмаларининг иштироки, ишчи-ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитини яратиш ва ҳақ-ҳуқуқларини ишончли таъминлашда фаолият самардорлиги ортиб бормоқда. Зеро, Президентимиз шу йил 17 октябрда

касба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан ўтказилган учрашувда “Ҳеч шубҳасиз, биз эришяётган натижаларда 8 миллионга яқин аъзога эга, энг халқчил ва катта нодавлат ташкилот бўлган касба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор”, дея алоҳида қайд этиди.

Анжуманда ташкилот масъул раҳбарлари ва фаолларига давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган масъулият ва тегишли вазифалар моҳияти очиб берилди. Уларни амалга ошириш бўйича махсус йўл харитаси ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Кейинги йилларда соҳада амалга оширилаётган тақомиллашув жараёнлари, янгиланиш ва ўзгаришлар ҳамда ташкилот томонидан ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, қорхона ва муассасаларда меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, уларни соғломлаштириш ва мароқли дам олишини йўлга қўйиш борасида ҳаётта таътиб этилаётган ташаббус ва лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди.

Федерациянинг халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини ратификациялаш бўйича ҳамкорлик йўналишидаги фаолияти янги босқичга чиқди.

Утган беш йилда касба уюшмаларининг қорхона ва ташкилотларда меҳнатга оид



ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали фаолияти натижасида 500 мингга яқин ходимнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди, улар фойдасига 267 миллиард сўм уңдирилди. Шунингдек, ишдаги бахтсиз ҳодисалар

туфайли жабрланган 1000 нафар ходимга 35 миллиард сўм товон пули тўлаб берилди.

Бундан ташқари, ишдан ноҳақ бўшатишдан 13 минг ходим ишга тикланди. Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини

бажариш доирасида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали қарийб 946 минг фуқаро ва 353 мингдан зиёд оилага 966 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

2024 йил якунларига қўра, республика бўйича 32 минг 251 та қорхона ва ташкилотда жамоа шартномалари асосида ягона тариф сеткасига белгиланган разрядлар коэффицентини кўтарилган. Бу орқали 1 миллион 342 минг ходимнинг иш ҳақи оширилишига эришилди.

Тадбирда, шунингдек, 2025 йилда касба уюшмалари органларининг ваколат мuddати тугаши муносабати билан Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси тизимидаги касба уюшмалари ташкилотларида ўтказилган ҳисобот-сайловлар натижалари тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Таъкидланганидек, сайловлар демократик, адолат тамойиллари асосида шу йўналишдаги меъерий ҳужжатларга тўлиқ амал қилинган ҳолда ташкил этилди. Шу йил 1 ноябрда пойтахтимизда Ўзбекистон касба уюшмалари федерациясининг IX қурултойи бўлиб ўтди. Унда мазкур жамоат ташкилотини раиси Қўдратилла Рафиковнинг ҳисобот маърузаси, Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси

назорат-тафтиш комиссиясининг 2021-2025 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Федерация тизимида илк бор муқобиллик асосида ўтказилган сайлов натижаларига қўра, Қўдратилла Рафиков кўпчилик овоз билан Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси раиси этиб сайланди.

Матбуот анжумани доирасида Ўзбекистон касба уюшмаларининг 120 йиллигига бағишлаб чиқарилган почта маркалари тақдироти ҳамда махсус хотира ўттемпели билан сўндириш маросими ҳам ўтказилди.

Ушбу маркарлар сана муносабати билан Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан 2025 йил 2 октябрдан муомалалга кирилган. 9 та махсус почта маркасида юртимиз меҳнаткашлари саломатлиги учун хизмат қиладиган дам олиш масканлари, спорт ҳамда соғломлаштириш мажмуалари, шунингдек, болалар оромгоҳлари тасвирланган.

Анжуман якунида журналистларнинг ташкилот фаолиятига доир саволларига атрофлича жавоб берилди.

Санжар ТУРДИҚУЛОВ,
журналист

ДУНЁ ҚУТЪЛАРИНИ БОҒЛОВЧИ ОЛТИН ҲАЛҚА

Буюк ўзбек йўли

КЎЗГУ



Бошланиши 1-бетда

Ушбу йирик, замонавий талабларга мос аэропорт келгусида Марказий Осиёнинг ҳаво транспорти қатнови ташкил этилаётган таянч нуктага айланиши мақсад қилинмоқда. Бунинг Президентимизнинг “Ушбу ислохотларимизнинг пировард натижасида Ўзбекистонни Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни боғловчи йирик авиация хабига айлантиришни мақсад қилганмиз”, деган сўзларидан ҳам аниқлаш мумкин.

Олдимизга қўйилган катта мақсад нафақат миллий транспорт тизими салоҳиятини оширишдаги истиқболли лойиҳаларда яққол намоён бўлмоқда, балки Ўзбекистон йўлларини глобал транспорт-логистика тармоқларига интеграция қилиш сиёсатида ҳам кўзга ташланибди. Давлатимиз раҳбари халқаро саммит ва учрашувларда қўшни ва ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда ушбу йўналишда янги ташаббус, лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга Ўзбекистон доим тайёр эканини билдирмоқда.

Узоққа бормайлик, давлатимиз раҳбари сўнгги тўртта йирик халқаро тадбир — БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессияси, Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити ҳамда “Марказий Осиё — Россия” форматидagi иккинчи саммит, МДҲ Давлат раҳбарлари кенашининг навбатдаги йиғилишидаги нутқларида ҳам ушбу йўналишга алоҳида тўхталиб, турли форматдаги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Президентимиз катта халқаро тадбирлар ёки мажмуур транзит йўлида жойлашган ривожланган давлатлар билан дипломатик мулоқотларда янги транзит йўлларини яратиш бўйича ҳамкорлик таклифини бериш билан бирга иқтисодий, савдо-сотиқ алоқаларини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, шу йил 28-31 октябрь кунлари расмий ташиф билан мамлакатимизда келган Сербия Президенти Александар Вучич бошчилигидаги делегация билан музокараларда ҳам “Марказий Осиё — Болқон” йўналишида янги транспорт йўлакларини, жумладан, Транскаспий йўлаги доирасида ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, музокараларда алоҳида эътибор товар айирбошлашни қўлайлаштириш, машинасозлик, фармацевтика, кимё sanoati, ахборот технологиялари ва рақамлаштириш, агросаноат мажмуи, туризм ҳамда қўллаб-қўллаш тармоқларида кенг қўллаш кo-операция дастурини тайёрлаш масалаларига қаратилди.

Ўзбекистонни минтақадаги йирик транзит-логистика хабига айлантириш мақсади кеча ё бугун пайдо бўлган эмас. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ушбу йўлда ҳаётга татбиқ этилиши керак бўлган лойиҳалар ҳамда янгиланиш ва ўзгаришлар қайд этилган. Бу мақсад янги Ўзбекистонни барпо этиш таянчнинг ажралмас бўлаги, барқарор тараққиёт йўлларида биридир.

Статистик маълумот ва таҳлилларда бу борада минтақада Ўзбекистоннинг имкониятлари юқори экани кўзга ташланади. 2022 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон транспорт экспорти минтақа умумий

экспорти ҳажмининг 44 фоизини ташкил этган. Бу, айниқса, темир йўл транспортимизнинг юқори салоҳияти натижасидир.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан алоқалари мустақамланиши натижасида 2023 йилда Марказий Осиё ва Покистон ўртасидаги юк ташиш ҳажми бўйича мамлакатимиз биринчи ўринни эгаллади — умумий ҳажмининг 64 фоизи. Шунингдек, Ўзбекистон Хиндистон ва Эрон билан логистика оқимлари бўйича етакчи учликка киради. Ушбу рақамлар юртимизнинг юк ташиш хизматида йирик хабига айланиш амбицияси шунчаки ороу эмас, олдимизга қўйилган аниқ мақсад эканини билдиради.

Ўзбекистон йирик авиация хабига айланади

Кейинги йилларда том маънода дунёга очилиш ва яхши қўшничилик сиёсати йўлга қўйилиши мамлакатимиз минтақадаги авиация хабига айланишига ҳам қўлай шарт-шароит ҳозирламоқда. Албатта, бунинг учун, биринчи навбатда, ички имкониятларимизни янада орттиришимиз, замонавий, қўлай аэропортлар ва фаол авиакомпаниялар фаолияти талаб этилади.

Кейинги йилларда бу борада қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳудудлардаги 7 та халқаро аэропорт замон талаблари асосида реконструкция қилиняпти. Мўйноқ, Қўқон, Зомин, Шахрисабз, Сарйосиё, Сўх туманларида янги аэропортлар барпо этилиб, уларнинг сони 18 тага етказилди. Мавжуд аэропортларнинг таъмирланиши ҳамда туризм салоҳияти юқори ушбу ҳудудларга авиақатновлар йўлга қўйилиши, ўз навбатида, сайёҳлик оқими кўпайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ислохотларнинг самараси ўлароқ, кейинги саккиз йилда мамлакатимизга ташриф буюрувчи хорижлик сайёҳлар сони 3 миллиондан 10 миллионга ортди.

Шунингдек, соҳада рақобат муҳити яратилгани сабабли 15 та янги авиакомпания пайдо бўлди. Уларнинг авиапаркидаги ҳаво кемалари сони 26 тадан 105 тага кўпайди. Президентимизнинг АҚШга ташрифи доирасида “Uzbekistan Airways” 8 миллиард доллардан ортиқ маблаг эвазига 22 та “787 Dreamliner” самолётини харид қилиш бўйича шартнома имзоланди. Бу ҳам соҳа ривожига катта ҳисса қўшади.

Ҳозир Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Жанубий Корея,

Хитой, Хиндистон, Малайзия, Туркия, Россия, Польша каби давлатларнинг 51 та авиакомпанияси Ўзбекистонга мунтазам қатновларни амалга оширмоқда. Натижада пойтахтимизга авиайўловчилар оқими 3 қарра ошиб, йилига 9 миллионга етди.

2017-2023 йилларда ҳаво транспортининг юк айланмаси салкам 156,9 миллион тонна/километрдан 226,3 миллион тонна/километргеча ортди. Рақамлар ўсиши, яъни авиация соҳасидаги янгиланишлар бошқа тармоқлар ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Шу маънода, яқинда тамаил тоши қўйилган янги халқаро аэропорт ҳам юртимизда хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, туризм соҳаларининг янада ривожланиши, янги иш ўринлари очилиши, тадбиркорлик барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшади. Зеро,



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ УҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларидаги 1 минг 300 гектар майдонда барпо этилаётган аэропорт Марказий Осиёдаги энг катта шундай лойиҳадир.

Саудия Арабистонининг “Vision Invest”, Япониянинг “Soltiz” ва Жанубий Кореянинг “Incheon” компаниялари халқаро консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа 4 босқичдан иборат, биринчи босқичда 2,5 миллиард доллар эвазига аэровокзал ҳамда аэродром қурилади. Бу билан терминаллар орқали йилига 20 миллион йўловчи ва 129 минг тонна юк ўтказиш, соатига 30 та учир-қўшни операциясини бажариш, 14 та телескопик трапдан фойдаланиш ҳамда бир вақтнинг ўзида 62 та ҳаво кемасини сақлаш имконияти яратилади.



Йирик аэропорт қурилишининг яна бир ўзига хос жиҳати лойиҳа негизида мульти-модал транспорт боғламаси пайдо бўлишидир. Ушбу ҳудуд Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Андижон, Тошкент — Бўстонлиқ пулли автомобиль йўлларига уланади. Бу ерда замонавий темир йўл станцияси қурилиб, тезорар поезд қатнови йўлга қўйилади. Пойтахт ва Янги Тошкент марказлари шаттл транспорт хизматлари орқали боғланади.

Халқаро лойиҳалар миллий манфаатларимизга хизмат қилади

Автомобиль йўлларимиз ҳам халқаро стандартлар асосида таъмирланмоқда. Бунда халқаро автомобилларни ўтказиш қувватини

оширишга алоҳида ургу берилмоқда. Албатта, бу ўз самарасини бериб, автомобиль йўлларидаги юк ташиш қуввати йилдан йилга ошиб борапти. Статистик маълумотларга кўра, 2017-2023 йилларда автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келувчи юк айланмаси қарийб 1,6 баробар ошди. Агар таҳлил қилинаётган давр бошида мажмуур кўрсаткич 13,6 миллиард тонна/километрни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб 21,5 миллиард тонна/километрге етди.

Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Фарғона водийси йўналишларида давлат-хусусий шериклик асосида автомобиль йўллари қурилаётгани юртимизнинг транзит салоҳияти қаррасига ортишига замин яратади.

Лекин Ўзбекистоннинг минтақада логистика ва транзит хизматини кўрсатишда етакчи мамлакатга айланишида темир йўл тизими салоҳияти бирламчи роль ўйнайди. Эътиборлиси, бу борадаги имкониятлар йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, 2017-2023 йилларда темир йўл транспортида ташилган юк айланмаси 22,9 миллиард тонна/километрдан 27,1 миллиард тонна/километрге кўтарилган. Лекин бу Ўзбекистон Шарқ ва Ғарбни боғловчи асосий логистика маркази бўлиши учун етарли эмас. Аини пайтда Ўзбекистон таъминот занжирининг ёрдамчи иштирокчисига айланиб қолмоқда. Аммо бу бизни мутлақо қониқтирмайди. Шу боис, қўшни ва ҳамкор давлатлар хайрихоҳлиги билан ўзаро тенг манфаатли келишувларга кўра учта янги халқаро темир йўл қуриш ва ишга тушириш: Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши, Транскаспий йўлагини барпо этиш орқали денгиз йўлига чиқши ҳамда Транскаспий транспорт йўлаги фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳаси амалга ошириляпти. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг минтақадаги имкониятларини кескин оширади.

2019 йилда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган иккинчи маслаҳат учрашувидаёқ Президентимиз БМТ ҳомийлигида транспорт-коммуникация боғланишларини ривожлантириш бўйича минтақаий марказ ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. Ташаббус Марказий Осиё давлат раҳбарлари даражасида қўллаб-қувватланган ва ҳужжатлаштириш босқичига ўтган.

Айни пайтда минтақада ишончли ва арзон юк ташиш йўлига эга бўлиш мақсадида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши жадал давом этапти. 2024 йил декабрида старт берилган ушбу лойиҳа Президентимиз томонидан “Бу дўст мамлакатларимиз салкам 30 йил давомида интилиб келган том маънодаги тарихий воқеадир”, дея эътироф этилган. Зеро, бу йўл орқали йилига 15 миллион тонна юк ташилади. Хитойдан Европага юк етказиб бериш масофаси бир неча минг километр, муддати эса деярли бир ҳафтага қисқаради.

Шу жиҳатдан ҳам лойиҳанинг ишга туширилиши минтақаий савдо ва инвестициялар ҳажминини бир неча баробар кўпайтириш, транспорт харажатларини сезиларли даражада қисқартириш, Марказий Осиёнинг улкан транзит салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йил 4-5 август кунлари Туркменистонга амалий ташрифи чоғида “Ўзбекистон — Туркменистон — Озарбайжон” форматида уч томонлама учрашувда қатнашди. Учрашувнинг асосий мавзуларидан бири ўрта йўналиш — Транскаспий йўлини ташкил этиш ва фаолиятини ошириш масаласи бўлди. Шунингдек, Президентимиз турли халқаро тадбирлар ва саммит, йиғилишларда жанубий йўлак — Транскаспий йўналишини барпо этиш масаласини кун мавзусига айлантирмоқда. Бу йўналишда турли мамлакатлар билан ҳамкорлик кучайтириляпти.

Ўзбекистон ҳозир қурилаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини кейинчалик истиқболли Транскаспий йўлаги

ҳамда ўрта йўлак билан боғлаш, шу тариқа минтақамизда кўп тармоқли, стратегик магистраллар тизимини яратиш ташаббусини илгари сурмоқда. Бу ҳақда Президентимиз шу йил 7 октябрь кунин Туркий давлатлар ташкилотининг Озарбайжонда бўлиб ўтган саммитидаги нутқида ҳам алоҳида қайд этди.

Ушбу лойиҳалар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасининг транспорт-логистика соҳаси ривожини ва имкониятларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Евроосиё тараққиёт банки (ЕТБ) таҳлилларига кўра, 2030 йилга келиб, Марказий Осиё орқали ўтадиган учта асосий йўлак — Марказий Евроосиё йўлаги, ТРАСЕКА ва “Шимол — Жануб” халқаро транспорт йўлагининг шарқий йўналиши бўйича юк оқими 1,5 баробар ошиб, 95 миллион тоннага етади. Контейнер ташиш ҳажми эса янада тезроқ ўсиб, тахминан 1,7 миллион (ийгирма футлик контейнерлар эквивалентида)гача кўпайиши кутилмоқда.

Минтақадаги ҳар бир давлатнинг транспорт соҳасини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, ўрта йўлак бўйича темир йўлларнинг юк ташиш қуввати оширилиши кўзда тутилмоқда: Қозғистон бўйича йилига 25 миллион тоннагача, Қирғизистон бўйича 5 миллион тоннагача (Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси билан), шунингдек, Тожикистон, Туркменистон бўйича ҳам ҳар бири 5 миллион тоннагача ортади.

Ушбу янги йўналишларни барпо этиш Марказий Осиё давлатлари иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш билан бирга, бугунги ўрнатишлар геосиёсий вазиятни инобатга олганда, кўп векторли транзит йўлига эга бўлиш нуктани назаридан сиёсий аҳамиятга эга. Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлайди.

Миллий маҳсулотларимиз жаҳон бозорини эгаллайди

Транспорт-логистика йўналишидаги халқаро лойиҳалар фақатгина транзит йўли сифатида эмас, балки Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тез ва ҳамёнбон нархда денгиз йўли ва ўрқали жаҳон, хусусан, Европа бозорига олиб чиқади.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида қатъий чоралар кўраётган Ўзбекистон учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш муҳим масала. Айниқса, денгиз йўлига чиқишда икки мамлакат ҳудудидан кесиб ўтиши зарур бўлган дунёдаги икки давлатдан бири — мамлакатимиз учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шунга қарамай, кейинги йилларда Ўзбекистон маҳсулотларининг ривожланган Европа давлатлари бозоридagi улуши ортиб бормоқда. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги товарлар ва хизматлар айланмаси 2017-2024 йилларда 2,4 баробар ортди. Ўзбекистоннинг Европа давлатларига экспорти 3,6 баробар ошиб, 1,7 миллиард долларга кўтарилди. Шундан 54 фоизи кимёвий маҳсулотлар, 8,4 фоизи тўқимачилик, 8,2 фоизи қора ва рангли металл, 15 фоизи хизматларга тўғри келади.

Умуман олганда, янги транспорт йўллари очилиши Ўзбекистоннинг Европа давлатларига экспорт ҳажми ҳамда маҳсулот турлари кескин ортишига замин яратади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси каби бир қатор йўналишлар тараққиётига бевосита ҳисса қўшади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи транспорт хабига айланиши халқимиз фаровонлигини орттириш, савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожини юқори босқичга кўтарилишига хизмат қилади. Мамлакатимизнинг ҳар жабҳада илгарилашишга катта ҳисса қўшади. Янги Ўзбекистон гоёси амалга ошиши, Учинчи Ренессанс даврига киришда бундай ислохотлар иқтисодий пойдевор, тамаил тоши вазифасини ўтайди.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЭКСПОРТДАН ҲАР КУНИ 1,5 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ДАРОМАД

Қарши шаҳридаги “Azian golden oil” масъуляти чекланган жамияти вилоятдаги етакчи корхоналар қаторида тилга олинади. Жамият 2014 йилда иш бошлаган эди. Аммо шароит етарли эмаслиги мақсад сари дадил қадам ташлашга имкон бермасди. Тадбиркор истиқболли режаларни амалга оширишда иккиланарди. Чунки айрим тўсиқлар бор эди. Шу боис, анча вақтгача ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймади. Қатор лойиҳалар амалга оширилмай, қоғозда қолиб кетди. Хуллас, йиллар давомида деярли ўзгариш бўлмади.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар, Президентимизнинг ишбилармонларга катта ишонч билдириши “Azian golden oil” корхонаси масъулларини ҳам янги гоёлар сарини ундади. Жумладан, 2020 йилда анча аввал режа қилинган йирик лойиҳага қўл урилди. Корхона раҳбарияти ҳеч иккиланишсиз озик-овқат sanoatини ривожлантиришга бел боғлади. Қисқа муддатда умумий қиймати 18 миллион долларлик лойиҳага старт берилди. Хориждан янги ускуналар олиб келинди. Натижада замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди.

— Анчадан буюн озик-овқат sanoatини бизнес юртидаги ният қилардик. Лекин қўлай фурсат бўлмаётган эди. Кейинги йилларда қатор имтиёзлар берилгани катта имконият бўлди. Бугун асосий фаолиятимиз бугун уни ишлаб чиқаришга қаратилган. Шунингдек, ўсимлик уруғидан истеъмол

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚУВВАТИ ЮКСАЛМОҚДА

Ислохотлар амалда



ёғи ишлаб чиқаряпмиз. Айни кунда Афғонистонга ун экспорт қилаяпмиз. Ўтган йили 2 миллион 680 минг долларлик унни хорижга сотган бўлсак, бу йил мажмуур қиймати 3,5 миллион долларга етказишни режа қилдик, — дейди “Azian golden oil” корхонаси иш юртгувчиси Илҳом Жўраёв. — Айни пайтда ишлаб чиқариш мажмуамизда 35 киши меҳнат қилаяпти. Тегирмонларимиз тўлиқ рақамлаштирилган, кузатув мониторлари орқали назорат қилиб борилади. Икки киши бошқарув пултида ўтириб, кузатиб борса бўлгани. Бундан ташқари, роботлардан ҳам унумли фойдаланяпмиз. Масалан, асосий юк кўтариш, тушириш ишларини робот

техника орқали бажарамиз. Бу унумдорлиқни ошириб, тежамкорликка хизмат қилаяпти.

Ҳа, замонавий технология туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ошяпти. Хусусан, ёғ ишлаб чиқариш цехида бир йилда 60 минг тонна ўсимлик уруғидан 25 тоннадан ортиқ ёғ олинмоқда. Тегирмонда эса 90 минг тонна бугдойдан 67 минг тоннадан зиёд ун олинди, истеъмолчиларга етказиб бериляпти.

— Биринчи навбатда, сифатга эътибор қаратамиз, — дейди корхона бош лаборанти Ҳабибулла Муродов. — Бунинг учун лабораториямиз зарур технология билан тўлиқ жиҳозланган. Уч нафар ходим маҳсулотни доим текшириб боради. Аввал бирор

маҳсулот сифатини текширишга кўп вақт кетарди. Шу боис, баъзан иш анча вақт тўхтаб қоларди. Оқибатда буюртмачига маҳсулотни ўз вақтида етказиб беролмасдик. Замонавий технология туфайли бундай муаммолар барҳам топди.

Корхона масъулларининг таъкидлашича, яна бир янги лойиҳа бошланган. Шу кунларда ишлар якуний босқичда. Келгуси йил аввалидан мажмуур лойиҳа ишга туширилади. Натижада 300 дан зиёд юртдошимиз ишли бўлади. Бундан ташқари, маҳсулотлар ҳажми, экспорт миқдори ҳам кўпайиши режалаштирилган. Шу билан бирга, маҳаллий бозорга ҳам кўпроқ маҳсулот чиқарила бошлади.

Таҳлилларга кўра, Қашқадарё вилоятида sanoat ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти йилдан йилга ошиб бормоқда. Хусусан, сўнгги уч йилда 1,1 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида 411 миллион долларлик маҳсулот хорижга сотилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробар кўпайган. Шу тариқа кунлик экспорт қиймати 1,5 миллион долларга етказилди. Бугун вилоятнинг ип-калавва, мева-сабзавот, тўқимачилик, озик-овқат ва табиий қазилма қабил товарлари хориж бозорига ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда.

Албатта, экспорт ҳажми ошишида тадбиркорларнинг ўрни катта. Бу кўрсаткич янада ошириб бориш учун экспортёр корхоналарга доим амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Масалан, йил бошидан буюн экспортёр корхоналарга 12 миллион долларлик молиявий ёрдам кўрсатилган. Натижада экспортёр корхоналар сони ҳам йил сайин кўпайиб, сўнгги уч йилда улар сони



70 тадан 265 тага етган. Айни пайтда қўшимча 35 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш имконияти туғилди. Муҳими, амалий ишлар изчиллик касб этиб бормоқда. Хусусан, жорий йил якунига қадар экспортёр корхоналарга 100 миллиард сўмлик молиявий ёрдам, 20 миллион долларлик имтиёзли кредит ажратиш режалаштирилган. Бундан ташқари, яна 50 та янги корхонани экспортга жалб этиш кўзда тутилган. Экспорт қилинаётган маҳсулот турларини кўпайтириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Сўнгги уч йилда экспортёр маҳсулотлар тури 75 тадан қарийб 116 тагача кўпайди. Тайёр маҳсулот экспорти эса икки баравар, уларнинг товарлар экспортидаги улуши 25 фозидан 45 фозига ошди.

Дунё бозорига Кўкдала тарвузи янги бренд сифатида кириб борди. Хусусан, жорий йилда тумандаги 20 минг гектардан ортиқ ерга тарвуз экилди. Натижада Қашқадарё вилоятининг тарвуз экспорти қиймати 15 миллион долларга етди. Бу ўтган йилдаги қараганда икки баробар кўп дегани. Ҳозир бу кўрсаткичини яна икки баробар

ошириш мақсад қилинган. Бунинг учун келгусида тарвуз қайта ишланиб, қадоқланади. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Муҳими, тадбиркорлар қўллаб-қувватланиб, янги экрин ери ўзлаштирилади.

Ҳозир вилоятда тайёрланган маҳсулотлар 54 та давлатга экспорт қилинади. Жорий йилда Қашқадарё маҳсулотлари Словакия, Иордания, Қатар, Кипр бозорларига ҳам кириб борди. Келгуси йилда экспорт географиясини яна камиди олтига давлатга кенгайтириш мақсад қилинган.

Жорий йилнинг 9 ойида вилоятга импорт ҳажми сезиларли даражада қисқарган. Масалан, йил бошидан буюн ҳудудда ташқи савдо иштирокчилари 709 тани ташкил этган. Уларнинг 485 таси импортёрлардир. Ўтган йилдаги улуши юқори бўлган технология ускуналар, электротехника ва мева-сабзавот каби етти турдаги маҳсулот импорти камайган. Келгуси йилда импортни янада камайтириб, экспортни ошириш мақсад қилинган.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ

МАМЛАКАТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Алишер ХОТАМОВ,
Янгиҳаёт тумани ҳокими
ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Ўрганиш ва ривожланиш пайти

Ёшларнинг бўш вақтини фойдали, мазмунли ўтказишга қўмаклашиш мазкур улкан мақсадларни амалга оширадиган баркамол авлодни тарбиялашнинг жуда муҳим ва ишончли воситаларидандир. Спорт ўйинлари, ижодий тўғараклар, мугъолаа, онла давраси, касб-хунар кабилар шахснинг ижтимоий-маданий қарашларини, куч ҳамда имкониятини муайян мақсадга сафарбар этади.

Бу йил ёзги таътил даврида “Долзарб 90 кун” лойиҳаси амалга оширилди. У ўқувчилар ҳамда уюшмаган ёшларнинг мароқли дам олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилди. Лойиҳа доирасида спорт мусобақалари, турли маданий-маърифий тадбирлар, китобхонлик танловлари, бадийий-маърифий кечалар, касб-хунар ва замонавий касбларга ўргатадиган тўғараклар ташкил этилди. Ушбу тадбирлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди, билимини мустаҳкамлаши, жисмоний

чиниқишида фойдали бўлди. Хусусан, пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида мингта яқин тадбир ўтказилиб, уларга 40 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди. Илк маротаба ташкил этилган “Ҳоким кубоги” спорт мусобақасини туман аҳли илқ қутиб олди. Мусобақада ғолиб бўлган 45 йигит-қизни рағбатлантириш учун “Ҳоким стипендияси” жорий этилди. Тумандаги 329-мактабда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш учун 9 йўналишдаги тўғарак фаолият юритадиган “Касб маркази” ишга туширилди.

Лойиҳа доирасида ҳудудлардаги ўғил-қизлар мусобақа ва маданий-маърифий тадбирлар, турли тўғаракларга жалб қилиниши баробарида оромгоҳлар, турли саёҳатларга юборилиб, мароқли дам олиши учун ҳам шароит яратилди. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, дам олиш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ёзги таътил даврида ўтказилган ушбу лойиҳа доирасидаги тадбирлар мажмуи қисқа муддатда самарасини кўрсатди. “Боланинг бўш вақти — душманининг иш вақти” деганларидек, ёзги таътилда ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмади. Маҳалаларда жиноятчилик, безорилик каби иллатлар кескин камайди.

Ота-оналар тўғарак ва тадбирларга жалб этилган фарзандларининг вақтини беҳуда ўтказиш одағи йўқолганини айтди. Қисқаси, “Долзарб 90 кун” лойиҳаси ўғил-қизларнинг ўз устида мустақил ишлаши, мароқли маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлади.

Ўқувчилар ортиқча тадбирларга жалб этилмайди

Лойиҳа кенг қўламли ислохотларнинг манتيқий давоми сифатида республика миқёсида мунтазам ўтказиладиган тадбирлар мажмуига айланди. Тажрибадан келиб чиқиб, тизим такомиллаштирилмаган бўлди. Президентимиз раислигида шу

Ўзбекистонда ёшларни тарбиялаш учун таълим ва тарбия, илм-маърифат, миллий қадрият ҳамда юксак маънавият уйғунлиги билан такомиллашган янгича тизим яратилмоқда. У ўзбек ёшларининг ҳам жисмонан, ҳам маънан етук кадр бўлиб етишишига заминдир. Билими ва салоҳияти, касб-хунари олтин авлоднинг икки қаноти бўлиб, энг банд чўққиларни забт этишга пиллапоҳ ҳисобланади. Бу эса, албатта, янги Ўзбекистоннинг ҳар жабҳада энг тараққий этган мамлакатлар қаторидан жой олишига хизмат қилади.



йил 9 сентябрь куни мактабгача таълим ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ҳамда келгусидаги устувор вази-фалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада батафсил маълумот берилди. Энди бундай тадбирларга аниқ мақсад билан ва манзилли ёндашилади.

Маънавий-тарбиявий ишлар ҳам таълимнинг асосий бўғинларидан. Уларни бир-бирдан ажратиб бўлимайди. Кейинги йилларда ўқитиш тизимидаги ислохотлар боғчадан бошланиб, мактаб

ва университетларда давом эттирилмоқда. Аммо ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, иқтидори ва истез-додини юзага чиқаришга хизмат қил-диган яхлит тизим йўқ эди. Шу боис, болалар боғчасидан олий таълимгача жараён қамраб олинган ягона миллий гоё концепцияси ишлаб чиқилди. У маънавий-маърифий тадбирларнинг намунавий режаси бўлади. Натижада бун-дай ишлар тартибли ва савияли ташкил этилиб, ўқувчилар ортиқча тадбирларга жалб этилмаяпти. Ушбу тизимнинг са-



марали ишлашида “Келажак” марка-лари муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу мар-казлар орқали муҳандислик, илм-фан, маданият, санъат, китобхонлик, спорт ва экология йўналишлари бўйича ўқу-чилар тўғаракларга жалб қилинади. Энг муҳими, болаларнинг тўғараклар, спорт, волонтерлик ва олимпиадаларда эришган натижалари бўйича “рақам-ли портфолио”си шаклланиб, электрон шаходатномада кўрсатилади.

Халқаро тажрибага эътибор берилса, хорижий олий таълим муассасаларига ҳужжат топширишда ўқувчининг ижтимоий фаоллиги ҳақидаги маълумотлар катта аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ушбу маълумотнинг электрон шаходатномадан жой олиши жуда муҳим.

Хунардан унар

Ёшларни касб-хунарга ўргатиш бўйича ҳам самарали тизим йўлга қўйилмоқда. Бунинг натижасида ёшлар келгусида до-имий даромадга эга бўлади. Шу боис, юртимизда ушбу масалага алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Мутасаддилар зимма-сига Президент таълим муассасалари ва ихтисослашган мактабларда орттирилган таъриба асосида жорий йилда 598 та тех-никумга халқаро стандарт бўйича замона-вий касбга ўқитиш муҳитини олиб кириш вази-фаси юкланди. Умуман, вилоят ва туман ҳокимларига келгуси ўқув йилида 9-синф битирувчиларининг камида 50 фо-

изини, ҳозиргига қўшимча яна 200 минг ўқувчини техникумга қамраб олиш топ-шириги берилди.

Бундан ташқари, касбга ўргатишда Хитой тажрибасини жорий этиш мақсадида ҳар бир вилоятда 2 тадан “Ўзбекистон — Хитой устахонаси” очиладиган бўлди. Шу йил сентябрда давлатимиз раҳбарининг ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқоти давомида қатор вази-фа ва таклифлар берилди. Мазкур йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларни тарбиялаш учун таълим ва тарбия, илм-маърифат, миллий қадрият ҳамда юксак маънавият уйғунлиги билан такомиллашган янгича тизим яратилмоқда. У ўзбек ёшларининг ҳам жисмонан, ҳам маънан етук кадр бў-либ етишишига заминдир. Билими ва са-лоҳияти, касб-хунари олтин авлоднинг икки қаноти бўлиб, энг банд чўққилар-ни забт этишга пиллапоҳ ҳисобланади. Бу эса, албатта, янги Ўзбекистоннинг ҳар жабҳада энг тараққий этган мамлакатлар қаторидан жой олишига хизмат қилади.

Огоҳлик

Заминимиз зилзила, тошқин ва кўчки каби табиат ҳодисаларидан холи эмас. Дунё олимлари ана шундай ҳодисалар, айниқса, ер силкинишининг олдини олиш бўйича жуда кўп илмий изланишлар ўтказган. Аммо шу пайтгача зилзилани олдиндан аниқлайдиган ишончли тизим яратилмаган. Зарур чора-тадбирлар орқали оқибатда юзага келадиган талафотларни камайтириш мумкин, холос. Бунда бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, яъни зилзилага чидамлилиги жуда муҳим. Чунки бу инсон ҳаёти, жамият хавфсизлиги ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда жуда муҳим. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Карим СУЛТОНОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Институт сейсмик фаоллиқни ку-затишда қандай вазифаларни бажаради? Қайси турдаги ускуна ва технологиялар-дан фойдаланилмоқда? Сўнгги йилларда-ги муҳим тадқиқот ёки янгиликлар ҳақи-да гапириб берамиз.

— Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси, грунтлар механикаси, экспери-ментал механика, бино-иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги, суқоқлик ва газ механикаси, механизмлар ва машиналар назарияси, кон-струкциялар динамикаси ҳамда мустаҳкам-лиги булар — институтимиз фаолиятининг асосини ташкил этади. Бино-иншоотлар мус-таҳкамлигини таъминлаш учун ҳисоблаш усуллари, назарий, амалий, экспериментал усуллар ҳам институтимизда ишлаб чиқилади.

2017 йилдан кейин қурилган банд ин-шоотлар, ижтимоий объектлар — боғча, мак-таб, шифохона, илмий-тадқиқот институти-лари, олий ўқув юртлири бинолари мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда. Мутахас-сислар томонидан визуал текширувдан ўтка-зиляпти. Дейлик, бирор ёриқ пайдо бўлган, пойдеворида дарз кетган жой бўлса, дарҳол қайд этилади. Айрим ҳолларда кўп қаватли уйларда қўшимча яна бир қават қурилгани, томи ёки ертўласидан бошқа мақсадлар-да фойдаланилаётганига гувоҳ бўламиз. Шу боис, Ўзбошимчилик билан киритилган

СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИК

БУНДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КЕРАК?



ўзгартiriшларни аниқлаш жараёнида ин-ститутимиз мутахассислари ҳам фаол қат-нашмоқда.

Иншоотлар тўрт тоифага бўлинади. 12 қаватдан банд иморатлар, ҳарбий иншоот-лар, давлат корхонаси, ишлаб чиқариш ёки ижтимоий бинолар, жамоат кўп йиғиладиган концерт заллари, кинотеатрлар тўртинчи то-ифага кириди. Шу пайтгача бинолар лойиҳа-си Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири-лиги томонидан экспертиза қилинар, обдан ўрганилгач, қурилишга рухсат берил-ларди. Айни пайтда унга қўшимча равишда текширувдан оидин лойиҳага илмий ҳулоса олиш тартиби ҳам белгиланди. Бу амалиёт бизда илк бор қўлланилмоқда. Илмий ҳулоса бериш эса айнан институтимиз зиммасига юклатилган. Танланган қурилиш майдони-дан бошлаб лойиҳа ҳисоб-китоби-гача кўриб, ўрганиб чиқишимиз керак. Бу бир оз мурак-каб жараён. Аммо 2022 йилдан бошлаб шу вази-фани бажариб келяпмиз. Қурилиш май-дони тўғри танланганим, танлангандан кейин қури-лаётган бинонинг лойиҳасида пойдевор мустаҳкамлиги етарлича таъминланганим, бинонинг зилзилабардошлиги қай даража-да? Мана шу жиҳатларга ўта диққат билан эътибор қаратилади.

Ҳар бир лойиҳани ўрганиб чиқиш учун уч ой мuddат берилади. Илмий ҳулоса вази-р-лика юборилади. Тузатишлар киритилиб, лойиҳа такомиллаштирилганидан кейин яку-ний ҳулоса берилади.

— Сейсмик мустаҳкамлик ўзи нима де-гани? У қандай талабларни қамраб олади?

— Ер силкинишида бинога шикаст, та-лафот етмаслиги, ҳеч қаерида ёриқ пайдо бўлмаслиги, асл ҳолатини сақлаб қолиши сейсмик мустаҳкамлик дейилади.

Аслида, қурилиш бўлаётган ҳудудда қутиладиган зилзила прогнозига эътибор қаратиш керак. Сейсмик куч олдиндан ҳи-соб-китоб қилиниб, деворлар қалинлиги, қўйиладиган тўсинлар юзаси, арматуралар ўрнатилиши ва пайвандлаш ишлари қандай бажарилгани, қурилиш материаллари сифа-ти, шифт баландлиги ўрганилади. Ана шу талаб ва қоидаларга амал бўлинса, иншоот мустаҳкамлиги таъминланади, албатта. Бу қурилиш материалларини тўғри танлашга ҳам боғлиқ.

Асосий шартларидан яна бири — қури-лиш технологиясига амал қилишидир. Жа-раёнда қоидабузарлик ҳолатлари учраши эҳтимоли катта. Шунинг учун айни пайтда қурилиш технологиялари устидан назорат кучайтириляпти.

— Иншоотларнинг сейсмик ҳолати қандай баҳоланади?

— Бино томига тебранувчи махсус ма-шина қўйилади ва тебратиб кўрилади. Шу тарзда зилзила пайтида бино тебраниши ҳисоблаб чиқилади. Жараёнда бирор хаво-тирли ҳолат, ёриқ кузатилмаса, демак, у мус-таҳкам қурилган.

2024 йилда АҚШдан 1,5 миллион дол-лар эвазига Марказий Осиёда ягона сейсмик платформа сотиб олинди. У 300 тонна куч билан бинони қимирлатиши мумкин. Бу — жуда катта куч. Ушбу сейсмик платформа жорий йилда ишга туширилади.

Бино эски бўлса, мустаҳкамлиги ҳар беш йилда текшириб турилиши керак. Дастлаб визуал кўриб чиқилади. Кейин ускуналар ёр-дамида деворлар ичи ўрганилади. Эскириш босқичи ҳисоб-китоб қилиниб, баҳоланади. Аммо фойдаланувдаги бинони махсус тебра-тиб, текшириш тавсия этилмайди.

2022 йилдан буён барча ижтимоий обь-ектлар зарур ускуналар ёрдамида ўрганиб чиқилмоқда. Жараён якунига етай деб қол-ди. 2017 йилдан кейин қурилган, аҳоли яшаётган, янги қурилаётган кўп қаватли барча бино визуал текширувдан ўтказилди.

Натижада бир қанча иншоот фойдаланишга яроқсиз деб топилди. Айни пайтда уларни бузиш чораси кўриляпти.

Агар бино лойиҳада кўрсатилган талаб-ларга зид қурилса, жуда катта талафотга са-баб бўлиши мумкин. Бунга йўл қўйиш мум-кин эмас. Чунки бу — жиноят!

Яқин йилларда юз бераётган зилзилалар ерда глобал сейсмик фаоллик кузатилаёт-ганини билдиради. Бу, албатта, хавотир уйғотади.

Кейинги йилларда юртимиз бўйлаб кўр-кам ва замонавий кўп қаватли бинолар, аҳоли турар жойлари барпо этилмоқда. Шу ўринда ушбу биноларнинг мустаҳкамлиги қай даражада деган ҳақли савол туғила-ди. Узоқ йиллар соҳада фаолият юритиб келаётган мутахассис сифатида хавотирга ўрин йўқлигини айтишим мумкин. Чунки барча иншоот қатъий текширувдан ўтка-зилмоқда.


— Сўнгги технологиялар сейсмик таҳ-лилни қанчалик осонлаштирмоқда?

— Қурилиш технологиялари азалдан мавжуд. Меъморий обидаларимизда асрлар давомида шикаст етмагани бунга мисол. Жамият, илм-фан тараққий этгани сари янги қурилиш технологиялари юзага келди.

Бугун ривожланган мамлакатларда ер тебра-нишини бинога ўтказмайдиган, кучини ка-майтирадиган усул ҳамда техникалар ишлаб чиқилган. Масалан, АҚШда пойдеворга сейсмик изоляторлар қўйилади. Бусиз бино барпо этилмайди. Иншоот жуда банд бўл-са, ҳар беш қаватда тебранишни сўндирувчи демпфери қўйилади. Уларни ясаш техноло-гиялари жуда мукамал ва қиммат. Ҳозир институтимиз ҳодимлари чидамли сейсмик изолятор билан демпферларни маҳаллий материаллар асосида ишлаб чиқиш устида ишляпти.

— Компьютер моделлаштириш ёки си-муляция дастурлари ҳам қўлланылганими?

— Бинонинг мустаҳкамлигини синовдан ўтказаман десангиз, жуда катта маблағ та-лаб этилади. Бунинг учун, аввало, иншоотни қуриш, унда сейсмик кучни қўллаш керак. Буларнинг барчасини компьютер орқали бажарса ҳам бўлади. Институтимиздаги энг асосий илмий йўналишлардан бири шун-га қаратилган. Компьютерда моделлашти-риш бўйича дунёда катта дастурлар ишлаб чиқилган. Ўзимиз ишлаб чиққан компьютер моделлаштириш усулларини ўша дастур-лар билан солиштириб кўраимиз. Улар мус-таҳкамлик ўлчовларини аниқлашга ёрдам



беради. Сунъий интеллектдан ҳам самарали фойдаланилмиз.

Айтиб ўтганимиздек, сейсмик мустаҳкам бино арзон турмайди. Аммо гап инсон хавф-сизлиги, ҳаёти ҳақида кетар экан, маблагни иқтисод қилиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Зилзила чоғида бинога талафот етмаса, одамлар зарар кўрмаса, бу ижтимоий самара дейилади.

Жойларнинг геологик тузилиши бир-би-ридан тубдан фарқ қилади. Шу сабабли ер силкиниши ҳам бир-бирига ўхшамайди. Худди шундай оқибатлар ҳам турлича бўла-ди. Мана шу ҳолат бунёдкорликда маҳаллий шароитни ҳисобга олиш кераклигини билди-ради.

Японияда тез-тез ер қимирлайди. Япон-ларнинг тажрибасини ўрганиш мақсадида ҳар йили уч-тўрт маротаба ёш олимлардан иборат гуруҳлар кунчиқар мамлакатга юбо-риляпти. Жорий йилда япониялик, АҚШлик бир гуруҳ олимлар Тошкентга келиб, мута-хассисларимизга сейсмик мустаҳкамликни таъминлашнинг илгор усуллари бўйича маъ-руза қилди.

Айни пайтда хорижлик мутахассислар билан Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ҳамкорлигида юртимиздаги би-но-иншоотлардан ташқари 30 га яқин тўғон-ни космосдан узулксиз мониторинг қилиб борапмиз.

Италия, Испания, Португалия ҳам сейсмик хавфли мамлакатлар сирасига ки-ради. Германия, Швеция, Норвегияда ер кам қимирлайди. Шундай бўлса-да, технология ривожланган. АҚШнинг Калифорния штати, Сан-Франциско, Лос-Анжелес шаҳарларида ер кўп қимирлайди. Калифорниянинг Берк-ли шаҳрида жуда йирик сейсмик хавфсиз-лик маркази бор. Яқинда институтимизнинг икки ҳодими шу марказда бир ой стажировка ўтаб келди.

— Юртимизда бунёдкорлик ишлари авж олган. Натижада бутун бошли янги массивлар, шаҳарлар пайдо бўляпти. Қу-рувчиларга зилзила хавфини камайти-риш учун қандай тавсиялар бера оласиз? Аҳоли сейсмик хавфдан огоҳ бўлиши, ер силкинишидан сақланиши учун нима-ларга эътибор қаратиши керак?

— Қурувчиларга лойиҳада кўрсатилган кўрсатмаларни виждонан бажариш тавсия этилади. Техноложиядан фойдаланиш тар-тиб-қоидаларига тўлиқ риоя қилиш керак.

Уйни қуриш учун ерга қозик қоқилди-ми, бир-икки ой куттиш керак. Эртасига иш бош-лаш ярамайди. Чунки шу вақт ичида қозик ўрнашади. Грунт ўзининг мустаҳкам ҳолати-га қайтади.

Одамларда бу бўйича тушунча бўлиши шарт. Шу мақсадда айни пайтда юртимиз-да боғчадан бошлаб олий таълим муас-сасаларигача тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Институтимиз томонидан қўл-ланмалар чиқарилиб, аҳолига етказиляпти. Асосийси, хавотирга тушмаслик, вазиятни назорат қилиш. Умуман олганда, ваҳимага тушмаслик керак. Бу билан инсон ўзи, оила-си ҳаётини сақлаб қолади. Бу борада етарли билимга эга бўлиш кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

Кино — таъсирчан ва қудратли санъат. У фақат маданий кўнгилочар восита эмас, балки ҳар қайси мамлакатнинг муайян сиёсий, маънавий ва мафкуравий ўзлигини намоён қилувчи, кенг жамоатчилик онгига таъсир ўтказувчи катта тарғибот куралидир. Шундан келиб чиқиб айтганда, кинода ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, тарихий хотираси, миллий қадриятлари, дунёқараши ва маданияти ўз ифодасини топади. Шу боис, ривожланган давлатлар кино соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келади.



ШУХРАТ ҲАЙИТОВ,
Кинематография агентлигининг
кинолойиҳалар билан ишлаш
бошқармаси бошлиғи,
филмолог фанлари доктори

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда мазкур соҳани тубдан ислоҳ қилиш, миллий кинони янги босқичга олиб чиқиш борасида кенг қўлламли ишлар қилинмоқда. Зеро, янги Ўзбекистон сиёсатининг ажралмас қисми сифатида кино орқали миллий онг ва тарихий хотирани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

Бухоро шаҳридан 10 километр шимоли-шарқдаги Қасри Орифон қишлоғида жойлашган Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук қадамжолардан. Сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси қайта тикланди. Мажмуадаги дахма, макбара, масжид, айвонлар ва мадрасанинг ҳақиқий қиёфаси тикланиб, қутлуг қадамжого айлантирилди.

Президентимизнинг жорий йил 21 апрелдаги “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ҳамда марказнинг асосий вазифалари белгиланган бўлибди.

Фармонга мувофиқ, жорий йил май ойида Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди ва 2 июндан амалий фаолият бошлади. Эътиборга молик жиҳати, шу қисқа муддатда ҳамкор ташкилотлар билан бирга халқаро ва республика миқёсидаги йирик илмий-амалий анжуман ҳамда бир қанча маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

МАЪРИФАТ АҲЛИНИ МАМНУН ЭТДИ

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари:

— Ҳар бир эл тарихий мероси, улуг аждодлари билан фахрланади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг илмий мероси нафақат ислом оламида, балки бутун инсоният маънавиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида белгиланган вазифалар юртимизнинг жаҳон тамаддуни бешиги сифатидаги тарихий

Шу мақсадда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида миллий кино санъатини ривожлантириш, унинг жамият маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини кучайтириш, ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлашда стратегик манба сифатида шакллантириш вазифалари белгиланган бўлибди.

Бугунга қадар кинематография соҳаси бўйича 228 та қонунчилик ҳужжати, жумладан, Президентимизнинг 51 та фармони, 99 та қарори, 11 та фармойиши, 58 та йиғилиш баёни ва Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори қабул қилинди. Бундан ташқари, соҳани тўғридан тўғри тартибга солувчи 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат тасдиқланди. Бу рақамларнинг ўзинёқ соҳага қаратилган юксак эътибор ва изчил сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Айниқса, сўнгги йилларда кино соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, миллий фильмлар сони ва сифати, жумладан, тарихий мавзуга бағишланган киномаҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида илгари сурилатган ташаббуслар, қабул қилинаётган қарор ва фармонлар амалий самара бермоқда.

2023-2025 йилларда 390 та киномаҳсулот яратилди. Улар орасида 61 та бадий, 77 та ҳужжатли, 26 та анимацион, 88 та қисқа метражли фильм, 3 та бадий-публицистик лойиҳа, 11 та киножурнал, 19 та сериал ва 105 та видеореалик ишлангани соҳага нисбатан изчил ёндашув ва тизимли ривожланишнинг яққол далилидир.

Кинематография орқали миллиятнинг бой ва шонли тарихини теран илмий асосда бадий ифодалаш мақсадида “Тирик тарих” фильмлар туркуми ишлаб чиқилди. Бу дастур мамлакатимиз тарихини ҳолис, ҳаққоний ва замонавий кино тилида халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказишни мақсад қилган улкан медиалойиҳадир.

Президентимизнинг 2024 йил 5 июндаги “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган мазкур дастур доирасида 21 бадий ва 33 бадий-публицистик фильм яратиш режалаштирилган.



Айни пайтда “Тирик тарих” доирасида 50 дан зиёд фильм устида ишланмоқда. Улар орасида “Баҳоидир Ялангтўш”, “Ажиниёз”, “Махтумқули Фирогий”, “Улуғ Амир ва Донна Мария” каби фильмлар аллақачон томошабинлар ва киномухассислари эътирофига сазовор бўлди.

Хусусан, “Махтумқули Фирогий” фильми Туркманistonнинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган “Кўркўт ота” IV халқаро кинофестивалида “Энг яхши фильм” номинацияси бўйича олий совринни қўлга киритди. Шунингдек, Туркияда ўтказилган II Турон халқаро кинофестивалида “Энг яхши ўзбек фильми” сифатида тақдирланди.

“Баҳоидир Ялангтўш” фильми эса “Олтин ҳумо — 2024” миллий кино мукофотининг “Энг яхши фильм”и деб топилди. Бу фильм орқали томошабинлар кўнглида буюк саркарда, давлат арбоби ва маданиятимиз ҳомийси Баҳоидир Ялангтўш сиймоси мустаҳкам муҳрланди.

Президентимизнинг 2024 йил 16 май куни Киночилар уйига таърифи, киножоҳдорлар билан учрашуви, Ўзбекистон кино санъати музейини қўздан кечириши кино соҳасида

навбатдаги янги босқични бошлаб берди. Ушбу тарихий учрашувда “Тирик тарих” дастурининг тақдироти ўтказилиб, кино орқали миллий гурур, тарихий хотира ва давлатчилик тафаккурини мустаҳкамлаш мақсади яна бир бор эътироф этилди.

Бу қарор ва ташаббуслар асосида миллий кино соҳасига қонуний, ташкилий ва молиявий пойдевор яратилди. Энди нафақат фильмлар сони, балки уларнинг мазмун-моҳияти, бадий ечимлари, тарихий ҳолислиги ва илмий асосланганлиги ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди.

Бугун “Тирик тарих” дастуридан ўрин олган фильмларни яратиш бўйича ишлар янада жадал давом этмоқда. Жорий йил охирига қадар Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони, ўзининг бетакорр жасорати билан халқ хотирасида муҳрланиб қолган юртодошимиз Мамадали Топволдиев ҳақидаги “Ўзбек арслони (Қазбек)” фильми, шунингдек, буюк шoir ва халқ қаҳрамони Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Хива лангари” фильми томошабинлар эътиборига ҳавола этилиши режалаштирилган.

Қисқача айтганда, янги Ўзбекистонда адабиёт, тарих ва кино соҳаларидаги ислохотлар халқимизнинг маънавий юксалиши, миллий ўзлигини англаши, тарихий хотирасини тиклаш ва уни дунё миқёсида намоён этишда беқиёс аҳамият касб этмоқда. Бу кенг қамровли ишлар нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам юқори баҳоланмоқда. Чунки ҳар қандай миллиятнинг қимлиги тарихи, адабиёти ва маънавиятига қараб белгиланади.

“Тирик тарих” дастури доирасидаги фильмлар мавзуси нафақат мазмун жиҳатдан, балки хронологик кетма-кетлик ва тарихий қамров нуктаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга. Улар орқали халқимизнинг илк манзилгоҳлари, тош давриддан тортиб, ҳунлар даври, Широқ жасорати, Амир Темурнинг улуг салтанати, Алишер Навоийнинг улкан ижодий мероси ва юксак феодализм, жадидалар мероси, мустамлака даври қабоҳатлари, мустақиллик орқали халқимизга берилаётган имкониятлар ҳамда энг янги тарихга бўлган йирик воқеалар қамраб олинмоқда.

Шунинг ўзинёқ дастурнинг миқёси, мақсади ва аҳамияти қанчалик кенглигини кўрсатади. Президентимизнинг ушбу фильмларни ҳар томонлама мукамал ва ҳолис тарзда яратишга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам ана шундан далолат беради.

Мазкур фильмларнинг тарихий ҳақиқатларга тўлиқ мувофиқ бўлиши учун ҳозир Кинематография агентлиги ҳузуридаги миллий комиссия ва фильмларнинг гоивий-бадий сваясини ошириш бўйича миллий кенгаш самаралари фаолият юритмоқда. Ҳар бир фильм юзасидан махсус нуфузли хайъат вакиллари, тарихчилар ва адабиётшунослар, киношунослар ва таҳлилчилар жалб этилиб, сценарийлар чуқур таҳлилдан ўтказилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти, Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти универси-

тети ҳамда бошқа илмий ва ижодий муассасалардан етакчи мутахассислар жалб этилмоқда. Шу билан бирга, фильмлар халқаро майдонда ҳам таниқли бўлиши учун Германия, Россия, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлардан таниқли киноижодкорлар, олимлар ва кинооператорлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Фильмларнинг юксак бадийи ва техник савияда яратилиши, халқаро кинофестивалларда муносиб иштирок этиши учун ҳамкорлик доираси тобора кенгаймоқда. Сўнгги икки йилда 204 та киномаҳсулот ишланди.

Бундан ташқари, 2023-2025 йилларда 27 та давлат ва халқаро ташкилот билан ҳамкорлик шартномалари ҳамда келишувлар имзоланган. Жумладан, 2025 йилнинг ўзидаяқ 16 та давлат — Германия, Венгрия, Россия, Испания, Жанубий Корея, Озарбайжон, Туркия, Тожикистон, Ҳиндистон, Покистон, Япония каби мамлакатлар билан қатор фильмларни ҳамкорликда ишлаш бўйича келишувларга эришилди.

Ҳозир бир нечта фильм халқаро ҳамкорликда тасвирга олинаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” — Хитой, “Ўзбекистон археологик ёдгорликлари”, “Сехрли кўза” — Россия, “Ўзбек арслони (Қазбек)” — Беларусь, “Улуғ Амир ва Донна Мария”, “Туркистонлик баҳоидирлар” — Туркия, “Помир тоғларидаке юксак”, “Аҳмад Яссавий” — Қозғистон, “Мақсуд Шайхзода” — Озарбайжон, “Хива лангари” — Ҳиндистон, “Бобур ва бобурилар” — Покистон киноижодкорлари билан ҳамкорликда суратга олинмоқда. Шунингдек, фильмларнинг қамрови ва географик кенглиги сабабли ТУРКСОЙ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳам лойиҳаларга жалб этилган.

Давлатимиз қўллаб-қувватлаётган ушбу фильмлар Бата-нимизнинг шонли ва шухратли ўтмишини, халқимизнинг жасорату матонатини, Турон заминида юзга келган буюк давлатларнинг тарихий йўлини, миллат ва эллар маданияти, санъати ва адабиётини ҳолис ва ҳаққоний ёритишда муҳим ўрин тутмоқда. Янги Ўзбекистонда кино санъати давлат сиёсати даражасига қўтарилиши халқимизнинг тарихий хотираси қайта ўйғонишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, аксар ёшлар Баҳоидир Бойхўжа ўғлини узоқ йиллар Самарқанднинг Регистон майдонидаги Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг асосини сифатида таниган. “Баҳоидир Ялангтўш” фильми эса уларнинг Самарқанд ҳокимини қайта кашф этишига имкон берди. Бу каби мисоллар талайгина. Мазкур фильмлар тўғрисида ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат, миллий гурур ва тарихий ўзлик туйғуси мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жараёнда “Тирик тарих” каби медиалойиҳалар муҳим ўрин тутди.

Миллий кино — миллий ривожланишимизнинг ойнаси десак, хато бўлмайди. У орқали ўтмишга назар ташлаш, бугунни англаш ва келажакни барпо этишга хизмат қилувчи маънавий куч шаклланимоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ ТАРҒИБОТИ МАРКАЗИ

Боқий мерос



жамоатчилиги орасида қизқичли уйғотаятгани бунинг исботидир. Бу мерос ҳар бир инсонни камтарлик, поклик, адолат ва эзгулик чорлайдиган мустаҳкам йўдир.

ЭНГ ЙИРИК ҚАДАМЖОЛАРДАН БИРИ

Жобир ЭЛОВ,
Бухоро вилояти бош имом-хатиби:

— Бундан етти аср аввал Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келган Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандия тариқатининг асосчиси бўлди. У бутун ҳаёти давомида жуда камтар ва оддий ҳаёт тарзига амал қилган. Олимнинг ҳаёти ва мероси ислом маънавиятининг юксак намунаси

сифатида қадрланади. Зиёратгоҳга бир йилда 500 мингта яқин зиёратчи таширф буюради. Утган йили Малайзия Бош вазيري Анвар Иброҳим жаноби олийлари Бухорода таширфи давомида “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бизда миллионлаб ерга-шувчи издошлар бор, агар бу ерларда яхши имкониятлар бўлса, илмий тадқиқотлар олиб борилса, асарлари ўрганилса, нақшбандийлик таълимоти ёшларга тўғри талқин қила оладиган мутахассислар доирасидаги давра суҳбати ва конференциялар ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди”, дея тақлиф билдирган эди.

ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.